


Ноёб археология мероси

уни муҳофаза қилиш — умуммиллий вазифа

Мустақиллик йилларида халқимизнинг кўп мингйиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий меросини тиклаш, ўрганиш ва ташвиқ этиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Бу жараёнда археологик меросимизни муҳофаза қилиш, тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумотларга кўра, бугун юртимизда 7570 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 3945 таси археологик меросдир.



СУРАТДА: Сурхондарё вилоятидаги Файзтепа қадимий археологик ҳудуди.

Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт ишлари қўмитасининг 2005-2008 йиллар мобайнида маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қонунчилигини яқинроқ қаратишга назорат-таълим ишлари жараёнида яққол кўзга ташланди.

Биринчидан, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги берча археология объектиларининг умумий сони аниқлик киритишни талаб этади. Археология институтидан олинган маълумотларга кўра, улар 8500 та атрофида. Бироқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тақдим этган рақамларга биноан 3945 та археология объекти рўйхатдан ўтган, ҳолос. Уларнинг 64 тасидангина кадастр ишлари амалга оширилган. Демак, археология объектиларининг ҳисобини юритишга доир ягона ёндашув ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, юртимиз фан, таълим ва маданият муассасаларида мавжуд археология ашёларининг умумий сони ва уларнинг сақланиш шартлари бўйича умумлаштирилган маълумотлар тизимини ташкил этиш зарур. Утган йилларда олиб борилган археология тадқиқотлари жараёнида топилган археология ашёлари мамлакатимиздаги турли фан, таълим ва маданият муассасалари (Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Термиз археология музейи, Археология институти, Санъатшунослик институтининг Археология топишмалари коллекцияси, Ўзбекистон Миллий университети Археология ва этнология кафедраси, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Археология музейи, жойлардаги ўрмашунослик музейлари ва бошқаларда) сақланимоқда. Тегшил муассасалардан сураб олинган маълумотлардан Археология институтида 25 000 атрофида, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Археология музейида 40000 дан ошиб, Санъатшунослик институти Ноёб объектлар коллекциясида 2000 дан ортиқ археология ашёси сақланаётгани маълум бўлди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси тизимининг музейлари, ҳатто айрим ҳожимликлар, мактаблар қошдаги музейларда ҳам бундай ашёлар мавжудлигини биламиз, ammo уларнинг ҳар бирининг ва умумлаштирилган маълумотлар базасини шакллантириш масаласи ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Бу эса археология ашёларини давлатга топшириш ва уларни фан, таълим, маданият муассасаларига бириктириб қўйиш жараёнини тартибга солувчи ягона умумлаштурувчи норматив ҳужжат қабул қилишга эътиб қўйилмоқда.

Учинчидан, археология тадқиқоти, хусусан, унинг турлари бўлиши археология қидирувлари, археология қазинишлари ва археология назоратини амалга оширишни тартибга солишга ягона ҳуқуқий ёндашувга ҳам зарурат бор.

Зеро, археология меросимизни муҳофаза қилиш, энг аввало, мазкур институтлар мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, бу бордаги фаолиятни меъёраштириш, археология тадқиқотлари субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини, археология тадқиқотларини амалга ошириш шартлари, археология ашёси топилган пайтдан то фан, таълим ва маданият муассасаларига бириктириб қўйишгача ҳамда уларни кейинчалик асраб-авайлаш, улардан фойдаланиш қондаларини белгилаб қўйишдек жараён билан боғлиқдир.

ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗА

Амалдаги «Маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда тилга олинган масалаларнинг ечимини аниқ эмас, фикримизча. Унда археология ёдгорликлари маданий мерос объектилари сирасига кириши қайд этилиб, уларни тадқиқ этишга руҳсатнома асосида йўл қўйилиши, археология ёдгорликлари бошланғич консервация қилиниши, баҳарланган ишлар юзасидан ҳисобот тақдим этилиши ва топилган ашёлар белгиланган тартибда давлатга топширилиши айтилган, ҳолос. Мазкур қонун мақсад ва вазифалари нуқтан назардан, бу табиий бўлиб, унда маданий мерос объектиларига умумий ёндашилган. Бинобарин, асосий эътибор ёдгорликлар, ансамбллар ва диққатга сазовор жойлар сингари умумий хусусиятдаги институтларга, шунда ҳам маданий мероснинг кўчмас объектиларига қаратилган. Ҳоёбуки, минглаб археология объектилари, ёдгорликлар ва юз минглаб археология ашёларидан иборат археология меросининг кўчмас ва кўчувчи объектиларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш жараёни катта ва ўзига хос соҳадир.

Қурсатиб ўтилган муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини яратиб мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Фанлар академияси билан ҳамкорликда «Археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда миллий ва халқаро тажриба ҳамда Археология меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (Валетта, 1992), Археология меросини муҳофаза қилиш ва бошқариш тўғрисидаги қарғия (Лозанна, 1990), ЮНЕСКОнинг Археология қазинишларини амалга оширишнинг халқаро тартиби принципларини белгилаб берувчи тавсияларида (Нью-Дели, 1956) назарда тутилган ёндашувлар инобатга олинди.



Насимжон АНИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси депутаты

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тарихий асрлар билан ўлчанувчи шаҳарларимизни обод қилиш, тарихий обидлар ва муқддас қадасқоларни тиклаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Қадимий шаҳарларимиз ёшқини аниқлаш, уларнинг халқимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўзига хос ўрнини асослашда археологик мероснинг алоҳида аҳамияти бор.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган археологик меросни илмий ўрганиш, тадқиқотлар натижаларини жамоатчилик, дунё аҳлига етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Археология тадқиқотлари Фанлар академиясининг Археология институти ва Қорақалпоғистон бўлими, Археология ва этнография институти, Бадиий академиянинг Санъатшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университетининг Археология ва этнология кафедраси, Самарқанд давлат университетининг археология, қадимги дунё тарихи ва этнография кафедраси, Термиз давлат университетининг Ўзбекистон тарихи кафедраси, жаҳон тарихи кафедрасида олиб борилмоқда. Археолог олимлар асосан топилган дашардан бошлаб ўрта асрларгача ривожланган тарихий босқичини ўрганишмоқдалар.

Юртимиздаги мавжуд ноёб археология мероси дунё олимларининг диққатини тортмоқда. Мустақиллик йилларида ўзбек олимлари Япония, АҚШ, Испания, Италия, Франция, Германия, Польша, Россиядаги ҳамкасблари билан биргаликда қатор археология объектиларида қазинишлар олиб бордилар. Бу бордаги ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этамоқда.

Археологик меросимизни кўз қорачиғидай асраш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида айрим муаммолар ҳам бор. Бу муаммолар Олий